**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI XALQ DEPUTATLARI TUPROQQAL’A TUMAN KENGASHI QARORI**

Tuproqqal’a tuman “Yoshlik” mahallasi Komiljon Otaniyozov ko‘chasi, 1-uy

2021 - yil 23 - oktabr VI-44-30-12-218-K/21 Tuproqqal'a tumani hokimligi

**Тупроққалъа туман халқ таълими бўлимига қарашли 14-сонли умумтаълим мактабига директори лавозимига номзод тақдим қилиш тўғрисида.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сонли Президент фармонига асосан Хоразм вилояти халқ таълими бошқармасининг 2021 йил 8 октябрдаги 01/7-13-175к-сонли ёзишмасида Тупроққалъа тумани 14-сонли умумий ўрта таълим мактаби директори лавозимига берилган номзод Мадримов Зокиржон Одилбековичнинг 2021-2024 йилларга мўлжалланган истиқболли режаларини атрофлича муҳокама қилиб, халқ депутатлари Тупроққалъа туман Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Хоразм вилояти халқ таълими бошқармасининг халқ депутатлари Тупроққалъа тумани Кенгашига 14-сонли умумий ўрта таълим мактаби директори лавозимига киритган номзодининг ҳозирги иш фаолияти ҳамда кейинга 3 йиллик дастури бўйича тақдим қилинган ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Тупроққалъа туманидаги 14-сонли умумий ўрта таълим мактаби директори лавозимига танланган номзоднинг дастурларини тинглаб, депутатларнинг таклиф ва мулоҳазаларига асосан;

-Хоразм вилоят халқ таълими бошқармасининг 2021 йил 11 октябрдаги 01/7-13-175к-сонли сўровномасига асосан 14-сонли умумий ўрта таълим мактаби директорлигига З.Мадримов номзоди маъқуллансин ва тасдиқлаш учун вилоят халқ таълими бошқармасига тақдимнома киритилсин.

3. Туман ҳокимлиги матбуот хизмати (Ф.Машарипов)га ушбу қарорни туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтида эълон қилиш топширилсин.

4. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари Тупроққалъа туман Кенгашининг ижтимоий маданий ривожланиш, Хотин-қизлар ва ёшлар масалалари хамда нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва фукаролик жамиятининг бошқа институтлари билан хамкорликда ишлаш масалалари бўйича доимий комиссияси (З.Маткаримов) зиммасига юклатилсин.

**Туман ҳокими** **А.Салаев**